
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАН “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ЛОЙИҲАСИДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 115,4 МЛРД. СЎМ БЎЛГАН 204 ТА ТАКЛИФ ҒОЛИБ БЎЛДИ

Маълумки, 1 апрель куни “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг илк мавсуми якунланди ҳамда ғолиблар эълон қилинди. “Очиқ бюджет” ахборот порталидаги Йўл хариталарга асосан, Фарғона вилояти бўйича фуқаролар томонидан жўнатилган 2178 та таклифлардан умумий қиймати 115,4 млрд. сўм бўлган 204 та лойиҳа ғолиб деб топилди. Овоз бериш жараёнларида 1 126 754 нафар юртдошларимиз қатнашди. Ғолиб деб топилган ташаббуслар сони бўйича Фарғона вилояти Республика ҳудудлари орасида Тошкент вилоятидан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

Вилоят миқёсида энг кўп Фарғона шаҳридан 27 та, Марғилон шаҳридан 21 та таклифлар ғолиб бўлди.

Марғилон Туғруқ комплексини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Дилмурод Акбаров томонидан жойланган таклифга жами 15 254 та овоз (<https://openbudget.uz/boards/4/112965>) берилиб, бу Республикада энг юқори кўрсаткични ташкил қилди.

Вилоят бўйича 62 та (40,6 млрд.сўмлик) ички йўлларни таъмирлаш, 40 та (23,1 млрд.сўмлик) умумтаълим мактабларини таъмирлаш, 27 та (18,1 млрд. сўмлик) ичимлик суви ва оқава тизимини яхшилаш бўйича, шунингдек, кўча чироқларини ўрнатиш ёки таъмирлаш, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, спорт муассасалари ҳамда маҳалла гузарларини таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ва бошқа йўналишлардаги таклифлар молиявий қўллаб-қувватланадиган бўлди.

“Ташаббусли бюджет”нинг 2-мавсум жараёнларига июль ойида старт берилиши режалаштирилган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-04-05 18:30:06